2006 ЙИЛ, 27 АПРЕЛЬ, ПАЙШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 81 (10.638)

Баҳоси эркин нархда

АЗАЛИЙ ДЎСТ ВА ЯҚИН ҲАМКОР

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ЯҚИН ДЎСТ, ИШОНЧЛИ ҲАМКОР БЎЛИБ КЕЛГАН МАМЛАКАТЛАР ТАЛАЙГИНА. УЛАРНИНГ АЙРИМЛАРИ ЖУҒРОФИЙ, АЙРИМЛАРИ МИЛЛИЙ- МАДАНИЙ ЯҚИНЛИК ТУФАЙЛИ, ЯНА БИРЛАРИ МУШТАРАК ТАҚДИР БОИС ЎЗБЕКИСТОННИ ЎЗИГА ЯҚИН ДЎСТ ВА ҲАМКОР САНАЙДИ.

Ҳиндистон бизга тарихан ва маънан боғланган. Бу мамлакат цивилизация бешикларидан бири бўлганини, унинг қадимий фалсафаси ва бой маданиятини дунё эътироф этган. Шу билан бирга, Ҳиндистон улуғ бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодлари ҳукмронлик қилган пайтларда ўзининг олтин даврини бошдан кечирганини ҳам барча яхши билади. Бу сулола ҳали- ҳануз ҳинд халқининг ардоғида, Бобурийлар мероси эса Ҳиндистоннинг фахру ифтихори.

Ўзбекистон-Ҳиндистон муносабатлари шуниси билан ҳам диққатга сазоворки, тарих чархпалаги қай йўсинда эврилмасин, икки ўртада алоқа узилмаган. Ҳали эркимиз қўлимизда бўлмаган даврда ҳам Ҳиндистон раҳбарлари неча бор Ўзбекистонга ташриф буюргани, Тошкентда ўтадиган халқаро кинофестивалнинг энг кўп сонли ва энг ардоқли қатнашчилари ҳам шу ўлка вакиллари бўлганини ёдга олиш кифоя.

Турли замонлар синовидан ўтган, халқларимизнинг азалий дўстлигига асосланган ўзаро муносабатлар истиқлол йилларида янги давр руҳида ривожлана бошлади. Ҳиндистон Ўзбекистон билан мунтазам олий даражадаги мулоқотларни йўлга қўйган мамлакатлардан биридир. Икки мамлакат раҳбарлари Деҳлида, Тошкентда, турли халқаро ташкилотлар анжуманларида учрашган, ўзаро муносабатларга доир масалалар ва долзарб халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан 25 апрель куни Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Манмоҳан Сингх расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Дўрмон қароргоҳида 26 апрель куни олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Ҳиндистон Бош вазири Манмоҳан Сингх шоҳсупага кўтарилдилар. Икки мамлакатнинг давлат мадҳиялари янгради. Ислом Каримов ва Манмоҳан Сингх фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Маросимдан кейин Ислом Каримов ва Манмоҳан Сингхнинг яккама-якка учрашуви бошланди. Унда Ўзбекистон-Ҳиндистон муносабатларини янада ривожлантиришга, жумладан, сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий алоқаларни кенгайтиришга оид масалалар муҳокама этилди.

Ислом Каримов Ҳиндистон Бош вазирининг ташрифи олий даражадаги икки томонлама мулоқотларнинг, жумладан, ўтган йилнинг апрелида Деҳлида ўтган Ўзбекистон-Ҳиндистон саммитининг узвий давоми эканлигини таъкидлаб, ушбу изчиллик ҳамкорликни ривожлантиришга икки давлатда ҳам иштиёқ кучлилигидан далолат беришини қайд этди.

Ҳиндистон Бош вазири Ўзбекистонга таклиф этгани учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, ушбу ташриф ўзаро муносабатларни янги босқичга кўтаришига ишонч билдирди.

Суҳбат чоғида минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар, хусусан, террорчилик ва экстремизмга қарши кураш масалаларига эътибор қаратилди. Томонлар ушбу мавзу муҳокамаси чоғида ҳарбий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Ислом Каримов ва Манмоҳан Сингх террорчиликка қарши кураш бўйича қўшма ишчи гуруҳи фаолияти такомиллашиб бораётганини қайд этдилар. Бу гуруҳ ўтган йил охирида Деҳлида мажлис ўтказган эди. Яқин кунларда Тошкентда унинг навбатдаги йиғилишини ўтказиш режалаштирилган.

Афғонистондаги вазият ҳам муҳокама қилинди. Ушбу мамлакатда барқарор тинчлик ўрнатилишидан икки томон ҳам бирдай манфаатдор. Зеро, Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида Эрон транспорт коммуникацияларидан фойдаланган ҳолда Афғонистон ҳудуди орқали қулай ва арзон савдо йўли ишга тушса, бу улкан минтақалар ва катта бозорлар ўртасидаги алоқаларни кучайтиради.

Ўзбекистон Президенти ва Ҳиндистон Бош вазири иштирокидаги икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокарасида ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи таҳлил этилди. Томонлар аввалги саммитларда, жумладан, Ислом Каримовнинг 2005 йил апрель ойидаги Ҳиндистонга давлат ташрифи чоғида имзоланган келишувларни ҳаётга татбиқ этишнинг боришини кўриб чиқиб, бу ҳужжатларда белгиланган мақсадларга эришишнинг муайян чоратадбирлари юзасидан фикр алмашдилар.

Айни пайтда савдо ва сармоя соҳасидаги алоқаларни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Жумладан, тоғ-кон, нефт-газ, энергетика, тўқимачилик ва ипакчилик саноатида, қишлоқ хўжалиги ва юқори технологиялар соҳасида сармоявий ҳамкорликни фаоллаштириш ва янги қўшма корхоналар очиш имкониятлари муҳокама қилинди.

Музокарада фан-таълим, шу жумладан, қўшма илмий тадқиқотлар олиб бориш ва кадрлар малакасини ошириш, шунингдек, маданият ва санъат, сайёҳлик каби соҳалардаги ҳамкорлик кўламини кенгайтириш масалалари ҳам муҳокама этилди.

Музокаралар ниҳоясида Ўзбекистон Республикаси билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида Қўшма баёнот қабул қилинди. Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида Тошкент шаҳрида Ўзбекистон-Ҳиндистон тадбиркорликни ривожлантириш марказини ташкил этиш тўғрисида англашув меморандуми, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан Ҳиндистон Нефть-газ саноати вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисида англашув меморандуми, Ўзбекистон Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси билан Ҳиндистон Тоғ-кон саноати вазирлиги ўртасида геология ва минерал ресурслар соҳасида ҳамкорлик тўғрисида англашув меморандуми, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан GAIL LIMITED компанияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида англашув меморандуми, Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан Ҳиндистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўртасида 2007 йилги иш режаси, «Ўзбекенгилсаноат» давлат акционерлик компанияси билан Ҳиндистон савдо корпорацияси ўртасида англашув меморандуми, Тошкент Давлат шарқшунослик институти билан Деҳли университети ўртасида англашув меморандуми имзоланди.

Икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими якунига етгач, Президент Ислом Каримов ва Бош вазир Манмоҳан Сингх оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашдилар.

Ўзбекистон раҳбари музокаралар очиқлик, ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида, ишчанлик кайфиятида ўтганини, томонлар икки томонлама муносабатларга доир кенг кўламли масалалар, минтақавий ва халқаро миқёсдаги ўзларини қизиқтирган муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашганини таъкидлади. Муҳокама этилган барча масалаларда томонларнинг фикри бир жойдан чиққанини, Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг кўплаб халқаро муаммоларга ёндашув ва қарашлари ўхшаш эканини қайд этди.

— Ушбу ташриф Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва икки томонлама муносабатлар ривожида муҳим воқеа бўлди, - деди Ислом Каримов. - Ўзбекистон Ҳиндистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотида кузатувчи мақоми олганини олқишлайди, ушбу мамлакат БМТнинг кенгайтирилган Хавфсизлик кенгаши доимий аъзолари сафидан жой олишини ёқлайди. Биз Ҳиндистоннинг тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилган сиёсатини тўла қўллаб-қувватлаймиз.

Мамлакатимиз раҳбари Икки томонлама ҳамкорлик бўйича қўшма комиссия ҳузурида нефт-газ ва ахборот технологиялари бўйича ишчи гуруҳларини ташкил этишга келишиб олинганини маълум қилди.

— Ҳиндистон ахборот технологиялари борасида катта тажрибага эга ва биз уни ўзлаштиришдан манфаатдормиз, — деди Ислом Каримов. — Айни пайтда Ҳиндистон нефт-газ соҳасида Ўзбекистон билан ҳамкорликдан манфаатдор.

Манмоҳан Сингх ташриф самарали кечгани ва музокаралар бой натижа билан якунланганидан мамнуният билдириб, имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Ҳиндистон халқларининг манфаатларига хизмат қилишини таъкидлади.

— Ўзаро муносабатларимиз кўп томонлама ривожланиб бораётгани бизни қувонтиради, - деди меҳмон. — Ўзбекистон Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жанубни туташтирган стратегик муҳим минтақадаги давлатдир. Биз қатор соҳаларда самарали ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз. Бугун савдо-иқтисодий муносабатларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш масалаларини муҳокама қилдик. Ўзбекистон раҳбарининг Ўзбекистон-Ҳиндистон тадбиркорликни ривожлантириш марказини ташкил этиш тўғрисидаги таклифни қабул қилганидан мамнуният изҳор этмоқчиман. Биз Ўзбекистонга энергетика соҳасидаги муҳим ҳамкор сифатида қараймиз.

Президент Ислом Каримов мамлакатларимиз Ҳиндистоннинг Техникавий- иқтисодий ҳамкорлик дастури доирасида ҳам самарали алоқаларни йўлга қўйганини таъкидлади. Маълум бўлишича, Ҳиндистон навбатдаги ўқув курслари учун Ўзбекистонга 120 кишилик ўрин ажратишга қарор қилган.

Томонлар журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарар эканлар, ушбу ташриф икки мамлакатнинг ўзаро дўстона муносабатларни ва яқин ҳамкорликни ривожлантириш йўлидаги азму шижоатини яна бир бор намойиш этишини алоҳида қайд қилдилар.

Дўрмондаги тадбирлар тугагандан сўнг Ҳиндистон Бош вазири Манмоҳан Сингх Ўзбекистон Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонига ташриф буюрди. Бу ерда олий мартабали меҳмон ҳурриятимиз ва порлоқ истиқболимиз рамзи бўлган «Мустақиллик ва эзгулик монументи» пойига гул қўйди.

Манмоҳан Сингх Президент Ислом Каримов ташаббуси билан бунёд этилган бу монумент Ўзбекистоннинг тинчликсевар сиёсатини, ўзбек халқининг бунёдкорлик ва фаровонлик йўлидаги эзгу интилишларини акс эттирувчи ноёб мажмуа эканлигини таъкидлади.

Шу куни олий мартабали меҳмон етук ҳинд сиёсат ва давлат арбоби Лаъл Баҳодир Шастри ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Ҳиндистон раҳбарлари аввалдан Ўзбекистонга алоҳида қизиқиш ва эҳтиром билан қараб келган. Жумладан, ушбу мамлакатнинг биринчи Бош вазири Жавоҳарлаъл Неру 1955 ва 1961 йиллари юртимизга ташриф буюрган. 1966 йилнинг январида эса ўша пайтда Бош вазир лавозимида фаолият кўрсатган Лаъл Баҳодир Шастри мамлакатимизга келган.

Манмоҳан Сингх Ўзбекистонда ушбу арбоб хотирасига бунёд этилган ёдгорлик давлатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги азалий дўстлик муносабатларининг белгиси эканлигини таъкидлади.

Ҳиндистон Бош вазири Манмоҳан Сингх Тошкент ахборот технологиялари университетига ташриф буюрди. 2004 йилнинг октябрида икки мамлакат ўртасида ушбу университет ҳузурида Ўзбекистон-Ҳиндистон Ахборот технологиялари марказини очиш тўғрисидаги меморандум имзоланган эди. Ҳиндистонлик олий мартабали меҳмоннинг юртимизга ташрифи арафасида ушбу марказни очиш лойиҳаси якунига етди ва томонларнинг келишувига мувофиқ унга атоқли ҳинд сиёсат ва давлат арбоби Жавоҳарлаъл Неру номи берилди.

Марказнинг тантанали очилишида қатнашган олий мартабали меҳмон Ўзбекистон ва Ҳиндистон кўплаб соҳаларда бўлгани каби ахборот технологиялари йўналишида ҳам алоқаларни кенг ривожлантириш салоҳиятига эга эканлигини, ҳозирги замон нуқтаи назаридан қараганда бу борадаги ҳамкорликнинг долзарблиги ошиб бораётганини таъкидлади.

Ҳиндистон Бош вазири «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида мамлакатимизда фаолият юритаётган ҳамюртлари ва ўзбекистонлик ҳиндшунос олимлар билан учрашди. Мулоқот чоғида илм-фан, маданият ва санъат намояндалари ўртасидаги алоқаларга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги ҳамкорликка оид мавзуларда сўз юритилди.

Шу билан Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Манмоҳан Сингхнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи ниҳоясига етди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА мухбири

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

● **БУГУН** Шайхонтоҳур туманидаги «Орзу» акциядорлик жамиятида «Мустақиллик ва Конституция ҳимояси — ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз» мавзуида ўтказилган давра суҳбати «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими томонидан уюштирилди.

● **БУГУН** Бектемир туман ҳокимлигида май, июнь ойларида ўтадиган фуқаролар йиғинлари раислари ва маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик ишларига бағишланган тадбир туман фаоллари иштирокида бўлиб ўтди.

● **БУГУН** Мирзо Улуғбек туманидаги «Гулшан» маданият ва истироҳат боғида Қизил Ярим Ой жамиятининг туман бўлими ташаббуси билан мактаб санитар постлари жамоалари ўртасида беллашув уюштирилди.

● **КЕЧА** Тошкент молия институтида талабалар, ўқитувчилар иштирокида «Болаларнинг бегонаси бўлмайди» мавзуида уюштирилган хайрия кўриги Ҳомийлар ва шифокорлар йиғилиши бағишланди.

● **КЕЧА** Миробод туман ҳокимлигида туманда жойлашган корхона-ташкилотлар, муассасаларнинг масъул ходимлари иштирокида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорлигида уюштирилган тадбир «Мустақиллик ва Конституция ҳимояси — ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз» деб номланди.

● **КЕЧА** Шайхонтоҳур туманидаги «Ўзбекистон» маҳалласида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан «Энг катта бойлигимиз — тинчлик ва барқарорликни асрайлик» мавзуида ўтказилган давра суҳбатида маҳалла фаоллари, ёшлар иштирок этишди.

● **КЕЧА** Юнусобод туманидаги «Бободеҳқон» маҳалласида туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан маҳалла фаоллари, ёшлари иштирокида «Огоҳлик — давр талаби» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

● **КЕЧА** Бектемир туманидаги «БК Интранс» ҳамда «ТошАТЭК» корхоналарида туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ўтказилган давра суҳбати «Меҳнат шароитида аёлларнинг ҳуқуқи ва уларни ижтимоий муҳофаза қилиш» деб номланди.

● **БУГУН** Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида Мирзо Улуғбек туман хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИҲ туман бўлими ҳамкорликларида кам таъминланган оилалар фарзандлари, етим ва ногирон болалар иштирокида ўтказилган хайрия тадбири Ҳомийлар ва шифокорлар йиғилига бағишланади.

● **ЎТГАН** куни Миробод туманидаги 154-мактабда туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, маънавий онгини янада юксалтириш масалаларига бағишлаб давра суҳбати ўтказилди.

● **КЕЧА** Миллий матбуот марказида Тошкент шаҳар Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси ташаббуси билан умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида уюштирилган кўрик-танлов «Энг ёш зукко истеъмолчи» деб номланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ХХI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси Мудофаа вазирлиги ва «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши билан ҳамкорликда «Фуқаролик бурчи ва ҳарбий қасамёд» мавзусида давра суҳбати ташкил этди. Унинг қатнашчилари мамлакатимизда профессионал армияни шакллантириш ҳамда ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан атрофлича фикр алмашдилар.

● Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида газларни фракцияларга ажратиш қурилмаси ишга туширилди. Янги қурилма атроф-муҳит мусаффолигини сақлашда катта аҳамиятга эга бўлиб, у атмосферага чиқадиган турли газлардан аҳоли ва автомобиллар учун суюлтирилган газ ишлаб чиқаради. Қурилма ёрдамида бир кунда ўртача 7 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланади.

● Ўзбекистон Банклари ассоциациясида иқтидорли ўқувчиларни банк соҳасига йўналтириш масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

● Кеча футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ баҳсларининг иккинчи давра учрашувлари бўлиб ўтди. Бунда «Пахтакор» (Тошкент) сафарда Эроннинг «Фулад» жамоасини 3:1 ҳисобида енгган бўлса, яна бир вакилимиз — Машъалнинг «Муборак» жамоаси Қаршида Саудия Арабистонининг «Ал-Ҳилол» клуби устидан 2:1 ҳисобида устун келди.

● Кўнғирот саноат касб-ҳунар коллежида Тошкент Давлат техника университети ҳамда Ўзбекистон нефть ва газ саноати илмий муҳандислик жамияти ташаббуси билан «Нефть ва газ саноатини ривожлантиришда ўрта махсус кадрлар тайёрлашнинг келажаги» мавзуида республика илмий анжумани бўлиб ўтди.

● Тошкентдаги Олимпия заҳиралари коллежида Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишлаб ўсмирлар ўртасида ўтказилган дзюдо бўйича вилоят биринчилиги якунланди.

● ●Ўзбекистон билан Россия Федерацияси ўртасидаги давлатлараро муносабатларнинг мустаҳкамланиши Оролбўйи диёрида ҳам ўз меваларини бермоқда. Айнан шу ҳамкорлик натижасида «Москва-Нукус», «Нукус-Москва» йўналишида қатновчи янги авиарейс очилди. Эндиликда ҳар пайшанба куни 120 нафар йўловчи ҳар томонлама қулай «ЯК-42» самолётида Нукусга келиб, самолёт шунча йўловчи билан Москвага авиарейсни бажармоқда.

●Тошкент Ахборот технологиялари университети ташаббуси билан «Ахборот дунёси» электрон газетаси ташкил этилди. Янги нашр ўқувчилар сонининг чекланмаганлиги, интернет орқали уларни етказиб бериш тезлиги ва ҳаммабоплиги каби қатор қулайликларга эга.

●«Камолот» ЁИҲ ташаббуси билан велопойга ўтказилди. Фарғона водийси вилоятларининг шаҳар ва қишлоқлари бўйлаб йўлга чиққан пойгачилар Ёзёвонда Тинчлик боғини барпо этдилар.

ЖАҲОНДА

● Кеча Хитой пойтахти Пекин шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар — Ўзбекистон, Россия, Хитой, Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистон мудофаа вазирларининг учрашуви бошланди. Мазкур йиғилишда Россия Федерацияси Мудофаа вазири Сергей Иванов ШҲТга аъзо давлатлар билан биргаликда 2007 йилда аксилтеррор машқларини ташкил қилиш таклифи билан чиқди.

● Иордания ҳукумати Фаластиннинг ХАМАС гуруҳини қироллик ҳудудида террорчилик ҳаракатларини содир этишга уринганликда айблади. Ўтган ҳафтада бир гуруҳ жангарилар чегарадан қурол-яроғ олиб ўтишаётганида қўлга олинганди. Улардан бири ҳозирда Сурияда яшаётган ХАМАС етакчиларидан бири билан алоқада эканлиги тўғрисида кўрсатма берган.

● Украина ва ХХР ҳукуматлари Чернобиль атом электр станциясида юз берган авария оқибатларига барҳам бериш мақсадида Украинага 10 миллион Хитой юани (1,2 миллион доллар) миқдорида бепул ёрдам кўрсатиш тўғрисида битим имзолади. Ушбу маблағ авариядан жабрланган кишилар учун тиббий препаратлар ва тиббиёт асбоб-анжомларини харид қилиш, шунингдек станция ходимлари учун махсус ҳимоя воситаларини олишга сарфланади.

● Жаҳонда «қора олтин»нинг нархи тобора кўтарилиб бормоқда. Хусусан, Лондонда «Бренд» нефтининг нархи 73,8 долларга чиққан бўлса, Нью-Йорк биржасида бир баррел нефтнинг қиймати Фьючерс шартномаларини имзолаш тарихидаги энг юқори кўрсаткич — 75,17 долларга чиқди.

● Франциянинг «Пежо-Ситроен» йирик автомобиль концерни ўзининг Буюк Британиядаги йирик заводини ёпиши тўғрисида эълон қилди. Зеро, маркетинг тадқиқотлари ушбу ишлаб чиқаришга инвестициялар киритилишининг номақбул эканлигини кўрсатди.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 28 апрель куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 16-18, кундузи 33-35 даража иссиқ бўлади.

Кучли давлатдан — кучли жамият сари

Оқсоқоллар сайлови: демократик ислоҳотларнинг изчил босқичи

Миллат ва халқ сифатида ўзини дунёга танита олиш учун ҳар бир қавм ва элат ўзига хос олий фазилатларини кўрсата билиши лозим. Ушбу фазилатлар орасида ижтимоий муносабатларини ўзида яққол ифодалайдиган, ижтимоий жараён сифатида узлуксиз рўй берадиган, ноёб ижтимоий-табиий қадрият ҳисобланадиган маҳалла – ўзбекларга хос, унинг давлатчилик анъаналарининг ҳаётий кўриниши дея тан олинадиган тушунча сифатида намоён бўлади.

Бугунги кунда ҳам маҳалла институти дунё халқлари томонидан ўзбекларнинг ўтмиши ва келажак гарови, уларнинг доимий турмуш тарзи деб тан олинмоқда. Тўғри, мусулмон халқларида жамоа бўлиб яшашга интилиш, ўзгаларнинг кундалик ташвишларини баҳам кўриш, қувончига шерик бўлиш каби умуминсоний фазилатлар мавжуд. Аммо унинг нуфузли кўриниши ҳисобланган маҳалла каби синалган шакли кўплаб халқларда учрамайди. Шунинг учун миллат фахри, аждодлар мероси сифатида ҳар бир фуқаро ушбу қадриятимизни улуғлаши, қолаверса шундай одат ва анъаналарга содиқ қолиши ҳамда ушбу муносабатларнинг ривожига ўзининг ҳиссасини қўшиб бориши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбек давлатчилиги ривожининг кафили сифатида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий ҳолатини мустаҳкамлаш, унинг фаолиятини кенгроқ ташкил этиш, демократик институтларни шунинг ўзагида янада жонлантириш ҳар бир инсоннинг бурчи ва масъулияти бўлиб қолади. Биз юқорида келтириб ўтилган ва эътироф этилган қарашларимиз замирида маҳалла фаолиятини ташкил этишда масъул бўлган ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари деб тан олинган институтларнинг ҳуқуқий шаклланиши борасида сўз юритишга ахд қилдик.

Маълумки, жорий йилнинг май-июнь ойларида мамлакатимиз миқёсида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар бўлиб ўтади. Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари, яъни вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ўз ҳудудларида ўтказиладиган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказилишини таъминлашга масъулдирлар. Сабаби, жамият ва давлатнинг ички тартиби, тинчлик- хотиржамлиги, аввало, маҳаллий ҳудуд аҳолисининг кайфияти, манфаати ҳамда келажакка интилиши билан боғлиқ ижтимоий ҳодисадир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ижтимоий-сиёсий ҳаётни, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш ҳамда олиб борилаётган демократик ислоҳотларда фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш йўлида муҳим босқичдир. Жумладан, 2004 йил 29 апрелда "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди.

Маълумки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимида сайловларнинг ҳақиқий демократик асосда эркин бўлишини таъминлаш, фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини янада аниқ қилиб белгилаб қўйиш, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлашни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш муҳим аҳамиятга эга.

Ана шу маънода мазкур Қонун шаҳарча, қишлоқ ва овул ҳамда шаҳардаги, шаҳарчадаги, қишлоқдаги ва овулдаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли), шунингдек унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир муносабатларни ҳар томонлама ҳуқуқий тартибга солишга хизмат қилади.

Қонунга мувофиқ, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови демократизм, ошкоралик ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида ўтказилади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлашда тегишли ҳудудда доимий яшовчи, сайлов кунига қадар ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, жинси, ирқий ҳамда миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ҳамда ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқидан фойдаланадилар. Айни пайтда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлашда фуқаролар йиғинининг ҳар бир иштирокчиси бир овозга эга.

Қонуннинг 5-моддасида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишни очиқ ва ошкора амалга ошириш мақсадида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови ташкил этилаётганда ҳамда ўтказилаётганда фуқаролар йиғини ўтказиладиган кун, вақт ва жой тўғрисида тегишли ҳудудда яшайдиган фуқаролар хабардор этилади, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари вазифасига кўрсатилган номзодлардан, овоз бериш якунларидан воқиф қилиниши белгилаб қўйилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик жараёнини ҳамда сайлов қандай ўтаётганлигини ёритиб боради.

Қонунда давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органлари зиммасига фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишда фуқаролар йиғинларига кўмаклашиш, зарур ҳолларда уларни бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлаш вазифалари юклатилган.

Ҳозирга қадар маҳаллий кенгашлар томонидан сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишда фуқаролар йиғинларига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида вилоят, туман ҳамда шаҳарлар ҳудудида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар тузилди.

Сайловга кўмак берувчи комиссиялар Қонуннинг 1-моддаси талабларига мувофиқ ўз ваколатлари доирасида қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

— фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш масалалари бўйича тушунтиришлар беради;

— сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳларининг фаолиятини йўналтириб боради;

— сайловни ўтказиш масалалари бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилишини ташкил қилади;

— сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳларидан кейинчалик тегишли туманлар, шаҳарлар ҳокимлари билан келишиш учун раислар (оқсоқоллар) вазифасига кўрсатилган номзодларга доир ҳужжатларни қабул қилиб олади;

— тегишли ҳудудда сайловга доир ҳужжатларнинг намуналарини тасдиқлайди;

— фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳларининг сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ масалаларга доир ахборотларини тинглайди;

— тегишли ҳудудда сайлов якунларини эълон қилади;

— фуқароларнинг сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш масалаларига доир мурожаатларини кўриб чиқади.

Таъкидлаш лозимки, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш учун сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳининг ўрни катта аҳамиятга эга. Мазкур ишчи гуруҳлари таркибига, қоида тариқасида, фуқаролар йиғинининг, тегишли ҳудудда жойлашган нодавлат-нотижорат ташкилотларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг вакиллари киритилади. Айни пайтда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари мазкур ишчи гуруҳлар таркибига киритилиши мумкин эмас. Бундан ташқари, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари вазифасига номзодлар ишчи гуруҳига аъзо шахслар орасидан кўрсатилган бўлса, улар ишчи гуруҳи таркибидан чиқарилиб, ўрнига бошқа киши киритилади.

Сайловларнинг қандай ўтиши кўп жиҳатдан ишчи гуруҳларнинг ўз зиммаларига юклатилган вазифаларини самарали амалга оширишлари билан боғлиқ. Айниқса, бунда ишчи гуруҳ:

— фуқаролар йиғини ўтказиладиган кун, вақт ва жойни белгилаши ҳамда йиғин ўтказилишидан камида беш кун олдин бу ҳақда тегишли ҳудудда яшовчи фуқароларни хабардор қилиши;

— тегишли ҳудудда яшовчи аҳолининг фикрини ҳисобга олган ҳолда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар бўйича таклифлар тайёрлаши;

— фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш масалалари юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориши;

— фуқароларнинг фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш масалаларига доир мурожаатларини кўриб чиқиши ва тегишли чоралар кўриши муҳим ўрин тутади.

Шуниси диққатга сазоворки, фуқаролар вакилларининг йиғилишига ҳовлилар, уйлар, кўчалар, маҳаллалар, мавзелар ва даҳалардан уларда яшовчиларнинг умумий йиғилиши қарори билан сайланадиган намояндалар вакил қилинадилар. Бунда вакиллик нормасини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ишлари бўйича тегишли туман ёки шаҳар мувофиқлаштириш кенгаши белгилайди.

Сайловдаги яна бир муҳим босқич бу — фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодларни кўрсатиш ҳисобланади. Қонунда номзодларга қўйиладиган талаблар қуйидагича: фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар, қоида тариқасида, олий маълумотли бўлиши ва сайлов куни тегишли ҳудудда доимий яшаб турган бўлиши, шунингдек ташкилотчилик қобилиятига, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар, шунингдек суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига сайланиш учун номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмас.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш очиқ ёки яширин овоз бериш орқали амалга оширилади. Овоз бериш шакли тўғрисидаги қарор фуқаролар йиғини томонидан очиқ овоз бериш орқали қабул қилинади.

Фуқаролар йиғинида ҳозир бўлган фуқароларнинг ярмидан кўпининг овозини олган номзод фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиси вазифасига сайланган ҳисобланади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови якунлари бўйича фуқаролар йиғини қарор қабул қилади ҳамда мазкур қарор фуқаролар йиғинида раислик қилувчи томонидан ўқиб эшиттирилади. Фуқаролар йиғини баённомаси икки нусхада тузилиб, битта нусхаси сайлов якунларини умумлаштириш учун тегишли туман ёки шаҳар комиссиясига тақдим этилади. Туман ва шаҳар комиссиялари фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови якунларига доир умумлаштирилган маълумотларни тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ёки Тошкент шаҳар комиссиясига топширади.

Маҳалла институти мавқеини кўтариш, уни жамият ҳаётида тутган ўрнини мустаҳкамлашда сайловларни ошкоралик руҳида ва қонунларга мувофиқ ташкил этиш катта аҳамиятга эга. Бу борада республикамизда катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса демократик анъаналар янада мустаҳкам қарор топаётганидан далолат беради.

Шундай қилиб, 2006 йилдаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиладиган сайловлар ижтимоий-сиёсий ва ташкилий жиҳатдан юқори савияда, миллий қонунчилик, халқаро норма ва стандартларга тўла амал қилинган ҳолда бўлиши Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган демократик ислоҳотлар изчил амалга оширилаётганлигини кўрсатади.

М. РУСТАМБОЕВ,
Тошкент Давлат юридик институти ректори, профессор.

Ислоҳотлар оқимида

Замонавий ишлаб чиқариш шароитларида сифатни бошқариш

ТЕХНОЛОГИК ВА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАСИДА БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН УЛКАН ИМКОНИЯТЛАР ЮЗАГА КЕЛАДИ. ЎЗ ХОДИМЛАРИ, УЛАРНИНГ ОИЛАЛАРИ, МАҲАЛЛИЙ АҲОЛИ, ЖАМИЯТ, УМУМАН УЛАРНИНГ ҲАЁТИ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ МАҚСАДИДА УЛАР БИЛАН ИШ ЮРИТИШДА БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ КОНЦЕПЦИЯСИ КОРПОРАТИВ ИЖТИМОИЙ ЖАВОБГАРЛИК – БИЗНЕС ТАРАФДОРЛИГИ РОЛИ ОРТИБ БОРАДИ.

Исталган ташкилот муваффақияти маълум даражада тақдим этилаётган товарлар ва хизматларнинг сифати ва нархини белгилайди. Самарали иш суръатига эришиш учун, ташкилот ўз товарлари ва хизматларининг рақобатбардош сифати ва рақобатбардош нархини таъминлаши зарур. Сифат – бу нисбий атама ҳисобланиб, турли хил инсонлар учун ҳар хил маънога эга. Сифатни ишлаб чиқариш жараёни, маҳсулот ёки хизматлар ва истеъмолчи талаблари хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда кўриб чиқиш мумкин.

Бугунги рақобатли шароитларда барқарорликка эришиш учун ташкилотлар доимий равишда истеъмолчилар талабларига мос келиши, шунингдек, уларнинг эҳтиёжларини олдиндан кўра билишлари лозим. Бунга истеъмолчиларни улар олишни истаган, "биринчи кўринишдаёқ соз", ҳеч қандай қайта тузатишлар ва алмаштириш заруриятини талаб этмайдиган товарлар билан таъминлаш орқали эришиш мумкин. Мижозлар талабини қондириш учун етказиб берувчилардан бошлаб ишчиларгача бўлган ишлаб чиқариш занжири бўйлаб юқорига ҳаракатланиш зарур. Етказиб берувчилар хом ашё ёки товарларни ишлаб чиқарувчиларга келажакда қайта ишлаб чиқиши учун тақдим этадилар; агар етказиб берувчилар ва ишлаб чиқарувчилар кутганларига мувофиқ "биринчи кўринишдаёқ соз» талабини бажарсалар, уларнинг натижаси сифатида охирги истеъмолчи талаблари қониқишини кўриш мумкин.

Истеъмолчилар талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир ишлаб чиқарувчи ўз етказиб берувчиси билан маҳсулотга бўлган барча талабларни муҳокама қилиши ва келишиб олиши зарур. Бу талаб этилаётган хом ашёнинг қайта ишлаб чиқариш учун олинишини кафолатлайди. Қайта ишлаб чиқариш шундай тарзда амалга оширилиши лозимки, бунда ҳар қандай камчиликлар минимумга келтирилиши керак. Бунга эришиш учун жиҳозлари тўғри мослаштирилган, уларга тўғри хизмат кўрсатилган, ишчи қўлланмалар аниқ, ишчилар эса сифат менежменти тизимида тегишли ўқув курсларидан ўтган бўлишлари керак. Ишлаб чиқаришда машғул бўлган ҳар бир ишчи ўзини уч ёқлама ролда кўриши, етказиб берувчилари ва мижозларини аниқлаб олиши, жараённи ўзлаштириши ва ўз ишининг «биринчи мартадан» тўғри бажарилиши йўлида турган барча омилларни минимумга келтириши зарур.

Маҳсулот сифатини доимий равишда ошириб бориш иқтисодиёт ва фирма рақобатбардошлигини ривожлантиришнинг мажбурий талабларидан бири бўлиб қолди. Бозор шароитларида ишлаб чиқариш сифати ва самарадорлиги ўртасида тўғридан тўғри боғлиқлик мавжуд бўлиб, улар бир-бирларини тўлдириб турадилар.

Дунё микёсида танилган етакчи фирмалар ўз сиёсатларини сифатни мажмуий бошқаришга асосланган «саноатлаштирилган» рақобат курашида олиб борадилар. Фирма ишлаб чиқарувчанлиги мезони эса ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш эмас, балки истеъмолчилар талабларига биноан зарур сифатли маҳсулотни ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобланади. Маҳсулот сифати амалий даражада ҳамкор ишончлилиги – муваффақиятли бизнеснинг асосий шароити мезони бўлиб қолди.

Бундай шароитларда Ўзбекистон иқтисодиёти бошқа ривожланаётган мамлакатлардагидек рақобатбардош бўлиши керак ва бу мақсадларга дунё бозоридаги кескин талабларга мослашиб иш тутилгандагина эришиш мумкин.

Ўзбекистон бугунги кунда жаҳон ҳўжалик тизимига интеграллашиш бўйича аҳамиятли қадам қўйган бўлиб, бу давлатимизнинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзолик учун тайёргарлик кўриш бўйича стратегик мақсадидир. Ҳозирги кунда республикада агентликлар, вазирликлар ва идораларда биринчи навбатда стандартлаштириш, метрология соҳаларида мамлакат қонунчилик меъёрларини халқаро меъёрлар ва қоидаларга уйғунлаштириш, сифат ва маҳсулот хавфсизлигини бошқариш мақсадларига мувофиқ келишини тасдиқлаш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Республикада кўрсатилган соҳалардаги техник сиёсатни "Ўзстандарт" агентлиги ва унинг таркибий бўлинмалари амалга оширади.

1987 йилда Стандартлаштириш бўйича Халқаро Ташкилот (ИСО/ISO) томонидан АҚШ, Канада, Германия давлатлари иштирокида 9000 серияли (сифат тизими бўйича) халқаро стандартлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Уларда маҳсулот сифатини таъминлаш, шу жумладан: маҳсулот ишлаб чиқариш, маҳсулот тайёрлаш, унинг назоратини ташкил этиш ва синаш, улардан фойдаланиш, сақлаш ва транспорт орқали ташиш тизимларига талаблар белгиланган. ИСО 9000:2000 халқаро стандартлари сифат менежменти тизимлари бўйича қуйидаги учта турга киради:

— ИСО 9000:2000 "Сифат менежменти тизими". Асосий қоидалар ва атамалар.

— ИСО 9001:2000 "Сифат менежменти тизими". Талаблар.

— ИСО 9004:2000 "Сифат менежменти тизими". Фаолиятни яхшилаш бўйича тавсиялар.

9000 сериядаги ИСО стандартлари кирувчи ва чиқувчи ахборотларга талабларни, тизимларга жараёнлар элементларини белгилайдилар. Лекин улар қабул қилинаётган қарорларнинг мувофиқлиги ва асосланганлигини белгиламайди. 9000 сериядаги ИСО стандартлари базасидаги сифат тизимлари – фақатгина сифат муаммоларини ҳал этиш учун шароит яратувчи воситадир.

Шунга қарамай, 2005 йилга келиб, 154 та мамлакатнинг турли хил иқтисодиёт секторларида берилган мувофиқлик сертификатларининг умумий сони 670 мингдан ортиб кетди. Бу рақам 9000 ва 14 000 сериядаги ИСО стандартларини жаҳон иқтисодиётининг барча соҳаларига чуқур интеграллаштирилишини кўрсатади ва тасдиқлайди.

Бугунги кунда республикамизда СМТ бўйича сертификатлаштирилган экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар сони олтмишдан ошди. Жумладан, Тошкент шаҳар синов ва сертификатлаштириш марказида «Тошкент йўловчи вагонларини таъмирлаш заводи», «Меҳнат Агрофирмаси», "Биокимё", "Тошкент қишлоқ хўжалик машиналари" очиқ акционерлик жамиятлари ва бошқа корхоналарда сифат менежменти тизимини татбиқ этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Маҳсулот сифатини бошқариш тизими маҳсулот сифатини юқори даражада белгилаш, таъминлаш ва қўллаб-қувватлашга йўналтирилган бошқарув органлари ва бошқарув объектлари, тадбирлар, услублар ва воситаларнинг мажмуидир. Сифатни бошқариш тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

— раҳбарият вазифалари (сифат соҳасидаги сиёсат, ташкил этиш);

— ҳужжатлаштириш ва режалаштириш тизими;

— талабларни ҳужжатлаштириш ва уларнинг амалга оширилувчанлиги;

— ишлаб чиқариш вақтидаги сифат (режалаштириш, чуқур билимга эгалик, ҳужжатлаштириш, қиёслаш, натижа, ўзгаришлар);

—сотиб олиш вақтидаги сифат (ҳужжатлаштириш, назорат);

—маҳсулотларни белгилаш ва уларни назорат қилиш имконияти;

—ишлаб чиқариш вақтидаги сифат (режалаштириш, қўлланмалар, малака, назорат);

—сифатни текшириш (дастлабки текширувлар, операцияларо назорат, якуний назорат, синовларни ҳужжатлаштириш);

—синов воситаларини назорат қилиш;

—тузатишлар киритиш бўйича тадбирлар;

—сақлаш, кўчириш, қадоқлаш, жўнатишдаги сифат;

—сифатни ҳужжатлаштириш;

—сифатни қўллаб-қувватлаш тизимининг фирма ичидаги назорати;

—таълим;

—статистик услублардан фойдаланиш;

—кўрилаётган чоралар тизими ва сифатини таҳлил қилиш.

Рақобатбардош маҳсулотни яратиш ва ишлаб чиқаришдаги энг яхши натижаларга ишлаб чиқариш жараёнлари шароити ва имкониятлари ҳақидаги тўла-тўкис маълумотларга эга бўлган, шунингдек, уларни такомиллаштириш бўйича таъсир этиш бошқарувини ўз вақтида ишлаб чиқарувчи ташкилотлар эришадилар. Маҳаллий ва хорижий мутахассисларнинг фикрига кўра, маҳсулот сифати конструкторлик ва технологик ҳужжатларда ўз негизини топган, бунда ҳам униси, ҳам буниси тегишли даражада баҳоланиши зарур.

Ишлаб чиқаришда амалга ошириладиган сифат назорати аввалambор яхши маҳсулотни ёмонларидан ажратиб олишни кўзда тутади. Табиийки, бундай йўл билан маҳсулот сифати ортмайди. Мана, масалан, электрон саноати корхоналарида маҳсулотларнинг жудаям кичик ҳажмидан келиб чиққан ҳолда уларнинг носозлигини тузатишнинг умуман имконияти йўқ. Шунинг учун замонавий фирмалар, ўз эътиборларини носозликларни аниқлашга эмас, балки уларнинг олдини олиб, ишлаб чиқариш жараёнини пухта назорат қилишга қаратишган ва ўз фаолиятларини «Сифатни тартиблаштириш" ва "Нуқсонларни камайтириш" тамойилларига асосланиб олиб борадилар.

Халқаро бозордаги ҳозирги вазият сотиб олинаётган товарлар сифатига юқори талаблар қўймоқда. Шу сабабли, товар рақобатбардош бўлиши учун ишлаб чиқарувчидан доимий равишда ишлаб чиқараётган маҳсулоти хусусияти ва хоссаларини ошириб бориши талаб этилади. Бозор иқтисодиётига ўтаётган республикамиз корхоналари сифат муаммоларини ҳал этишга янгича ёндошишни такомиллаштириши зарур. Ҳозирги вақтда, бу соҳадаги асосий вазифалардан бири бўлиб корхоналарда рақобатбардош маҳсулотни ишлаб чиқариш ва халқаро бозорга киришга имкон яратувчи, сифат менежменти тизимини яратиш ҳисобланади.

Кўпгина мамлакатларнинг етакчи менежерлари жаҳонда барчасидан энг яхши бўлган бирон-бир корхона (компания) мавжуд эмаслигини тушуниб етдилар. Корхоналар доимий равишда энг яхши амалий тажрибани излашлари, уларга ижодий ёндошишлари ва ташкилотнинг барча таркибий бўлимларига киритишлари, бу эса ўз вақтида инсонларга ўз мақсадларини тўғри белгилаш ва аниқ вазифалар қўйиш, ўзларига жавобгарлик олиш ҳамда ўз фаолияти маданиятидаги ўзгаришларни жадаллаштиришга ёрдам беради. Бу эса барқарор рақобатбардош афзалликларни яратишнинг ягона усулидир.

Зиёвиддин ОБИДОВ,
Тошкент шаҳар синов ва сертификатлаштириш маркази директори
Мирафзал МАҲМУДОВ,
«Сифат тизимини жорий қилиш» бўлими бошлиғи

Буюк Британия ишбилармон доиралари шериклик тарафдори

ШУ ЙИЛ 25 АПРЕЛЬ КУНИ ТОШКЕНТДА САВДО ВА САНОАТ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН-БРИТАНИЯ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ

1994 йили ташкил топган Ўзбекистон—Британия кенгашининг асосий вазифаси икки томонлама иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга кўмаклашиш ҳамда Ўзбекистон ва Буюк Британия ишбилармон доиралари ўртасидаги биргаликдаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришдан иборат.

Ўтган йиллар давомида мазкур Кенгаш икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий алоқаларни чуқурлаштиришга кўмаклашувчи органга айланди. Ўзаро товар айланмасининг изчил равишда ўсиб бораётгани унинг фаолиятини акс эттирадиган аниқ далиллардан биридир. Ўзаро товар айланмасининг ҳажми ўтган йили қарийб ярим миллиард АҚШ долларини ташкил этди.

Мазкур форум ишида «Бритиш американ табако», «Оксус», «Бейкер Хьюз», «Менчант банк», «Синдикатум карбон капитал» сингари ва Британиянинг бошқа ўттизга яқин етакчи компанияси иштирок этди.

Мажлис давомида тоғ-кон, кимё, енгил, озиқ-овқат саноати, нефть-газ ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликнинг аниқ йўналишлари муҳокама этилди.

Британия томонидан кенгаш ҳамраиси Х.Бут иқтисодиёт ва ташқи савдо ўсишининг юқори суръатларини қайд этар экан, бу Ўзбекистонда Президент И.А.Каримов томонидан олиб борилаётган чуқур ўйланган тизимли ислоҳот сиёсатининг натижаси ҳисобланишини таъкидлади. Британия ишбилармон доираларининг Ўзбекистон билан шериклик муносабатларини ривожлантиришга қизиқиши ўсиб бораётгани ҳам таъкидланди.

Иқтисодий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, банк тизимининг ривожланиши мамлакат иқтисодиётини янада ривожлантиришга ҳамда хорижий сармоялар ҳажмининг кўпайишига кўмаклашиши алоҳида қайд этилди.

Британия томони нефть-газ жабҳасида, фойдали қазилмаларни ишлаш, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги ва сайёҳлик соҳасидаги ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтиришга қизиқиш билдирди.

Кенгаш мажлисида 2005 йили 10 тоннадан зиёд олтин ишлаб чиқарган Ўзбекистондаги «Амантайтау Голдфилдс» қўшма корхонасининг фаолияти самарали ҳамкорликнинг муваффақиятли намуналаридан бири сифатида тилга олинди.

Британия бизнесининг вакиллари Ўзбекистондаги сармоявий муҳитга, бу ерда бизнес олиб бориш учун мавжуд бўлган қулай шарт-шароитларга юқори баҳо бердилар.

Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон — Британия кенгаши мажлиси якунлари Буюк Британия ишбилармон доираларининг Ўзбекистон Республикаси билан савдо-иқтисодий муносабатларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришдан манфаатдор эканлигининг ёрқин далилидир.

«Жаҳон» АА.

Интеллектуал мулк кунига бағишланди


ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ДЕДЕМАН» МЕҲМОНХОНАСИДА 26 АПРЕЛЬ — ХАЛҚАРО ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК КУНИГА БАҒИШЛАНГАН МАТБУОТ АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ. ЎЗБЕКИСТОН МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ РЕСПУБЛИКА АГЕНТЛИГИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН АНЖУМАНДА ТУРЛИ ИДОРА ВА ТАШКИЛОТЛАР, ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР ВАКИЛЛАРИ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

Билим ва тафаккур - инсоният тараққиётининг мезони ҳисобланади. Унинг маҳсули — ижодий иш ва кашфиётларнинг ҳаётимизда тутган ўрни беқиёс. Шу боис ҳам интеллектуал мулк тушунчаси ва уни ҳар томонлама муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти томонидан 26 апрелнинг Интеллектуал мулк куни сифатида тақвимга киритилгани ҳам бунинг исботидир.

Бу сана олимлар, ёзувчи ва шоирлар, санъат аҳли, режиссёр ва дастурчидан тортиб дизайнер ва бастакор каби барча ижод олами вакилларининг байрами ҳисобланади. Шунинг учун ҳам дунёдаги барча ривожланган мамлакатлар бу кунни кенг нишонлайди. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам бу санага алоҳида аҳамият бериляпти.

Анжуманда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар батафсил таҳлил этилиб, Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги томонидан эълон қилинган танлов ғолиблари аниқланди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири



№3 (167) Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг саҳифаси

Мушоҳада

АТМОСФЕРА ҲАВОСИ МУСАФФОЛИГИНИ САҚЛАЙЛИК

АТМОСФЕРА — ЕР САЙЁРАСИНИ ЎРАБ ОЛГАН ТУРЛИ ГАЗЛАР, СУВ ПАРЛАРИ, ЧАНГЛАРНИНГ МЕХАНИК АРАЛАШМАСИДАН ИБОРАТ БЎЛГАН ҚОБИҚ.

У, ўз навбатида тропосфера, стратосфера, мазосфера, термосфера ва экзосфера каби қатламларга ажратилади.

Атмосфера ҳавосининг муҳофазаси ерда ҳаётни сақлаш учун унинг турли қатламларидаги табиий таркибни ўзаро мувозанатда барқарор сақлаб туришга қаратилади. Атмосфера ҳавосининг муҳофазаси нафақат ҳаво таркибини ҳимоя қилиш, балки унинг турли чиқиндилар билан ифлосланишининг олдини олишни ҳал этилишини ҳам кўзда тутади.

Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши шаҳарларда ва катта саноат марказларида бошқа ҳудудларга нисбатан кўпроқ сезилади. Баъзи бир саноатлашган шаҳарларда кимё заводлари ва турли саноат корхоналари 50 фоизгача ифлослантирувчи газларни атмосферага чиқаради. Уларнинг таркиби 150 дан зиёд турли бирикмалардан иборат бўлиши мумкин. Масалан, олтингугурт-2-оксиди (46 фоиз), углеводородлар (15 фоиз), қаттиқ моддалар (4 фоиз), углерод оксидлари (13 фоиз), азот оксидлари (8 фоиз) кабиларни кенг тарқалган моддалар сифатида санаб ўтиш лозим. Ёқилғи моддаларининг барчаси ёниш жараёнида ўзидан кўплаб углерод-2-оксиди чиқаради ва атмосферанинг сунъий равишда исиб кетишига олиб келади. Натижада, у ер юзасининг барча қисмларида «иссиқлик самараси»ни келтириб чиқаради. Баъзи газлар миқдори атмосферада 97-98 фоизгача етиши мумкин.

Барқарор ривожланиш концепциясида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор берилган. Масалан, 1985 йилдаги Вена Конвенциясида озон қатламини сақлашга қаратилган режалар тузилган бўлса, 1992 йилдаги БМТнинг «Иқлимни ўзгартириши тўғрисида Конвенцияси»да эса иқлим ўзгаришига қарши ишларни олиб бориш учун муҳим нормалар акс эттирилган. Бироқ, ҳар бир мамлакат барқарор ривожланиш дастурларига қўшимча равишда ва халқаро ҳужжатлардаги тамойиллардан чиқмаган тарзда, ўз ҳудудидаги атмосфера ҳавосини сақлаш мақсадида қарорлар қабул қилиши мумкин. Масалан уларга:

— ўрганилмаган муаммоларни ҳал қилиш учун илмий-тадқиқот ишларини такомиллаштириш;

— халқ хўжалиги тармоқларида атмосфера ҳавосининг муҳофазасига доир ҳамкорликни ўрнатиш;

— озон қатлами емирилишининг олдини олиш;

— чегараларо атмосфера ҳавоси ифлосланишининг олдини олиш каби нормалар киради.

Халқаро ҳамжамиятда иқлим ўзгариши, атмосфера ҳавосининг ифлосланиши ва озон қатламининг емирилиши натижасида юзага келган вазиятларнинг олдини олиш мақсадида илмий-тадқиқот ишларини такомиллаштириш зарур. Ҳозирги кунда мазкур муаммоларни ҳал қилишда биргаликда фикрлаш, инсоният тараққиёти давомида олган тажрибаларига асосланиб комплекс тадқиқот ишларини олиб бориш керак. Жойларда минтақавий ва умумбашарий муаммоларни ҳал қилишда халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, атмосфера ҳавосининг ўзгариши натижасида келиб чиқадиган оқибатларни чуқурроқ ҳис этиш, уларнинг ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жараёнларга салбий таъсирини англаш ҳам самарали таъсир кучига ва ушбу муаммоларни юмшатишда амалий аҳамиятга эга бўлади.

Халқ хўжалиги тармоқларида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш муқобил энергетикани ривожлантириш, энергетик самарадорлик ва энергиядан фойдаланиш, транспорт ва саноатнинг ривожланиши, ер ва сув ресурсларини ўзлаштириш ҳамда ердан фойдаланиш кабиларни ўз ичига олади.

Энергетика — бу иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш ҳамда ҳаёт даражасини ошириш демакдир. У, доимо экологик тоза тизимларга йўналтирилган, яъни қайта тикланишга асосланган энергия манбаларидан фойдаланиш орқали атроф-муҳитни минимал даражада ифлослантириш ва ўта самарали ишлаб чиқариш усулларини топишга қаратилади.

Транспорт — жадал ривожланаётган тармоқ ҳисобланиб, атроф-муҳит ва атмосфера ҳавосини энг кўп ифлослантирувчи манба ҳисобланади. Шунинг учун ҳам барқарор ривожланиш дастури мазкур соҳада атмосфера ҳавосини кам ифлослантирувчи технологияларни ишлаб чиқишни қўллаб-қувватлайди.

Саноат — табиий ресурсларни энг кўп истеъмол қилувчи ва ўз навбатида атмосфера ҳавосининг ўзгаришига кучли таъсир этувчи тармоқ ҳисобланади. Бу борада барқарор ривожланиш дастури табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни, атроф-муҳит учун зарарсиз бўлган технологияларни саноатда қўллашни устувор йўналиш, деб ҳисоблайди.

Озон қатлами емирилишининг олдини олиш халқаро конвенциялар ва унда қабул қилинган концепцияларни ҳамда қарорларни барча мамлакатлар томонидан қўллаб-қувватлашга олиб келади. Бу борада минтақавий ижобий ишлар глобал даражага кўтарилгандагина самарали натижаларга олиб келиши мумкин.

Атмосфера ҳавосининг чегараларо ифлосланиши ўсимлик қопламининг камайиши, ўрмонлар ва сув ҳавзаларининг таркибий жиҳатдан бузилишига олиб келмоқда. Мазкур муаммонинг олдини олишнинг асосий чораси табиий ресурсларнинг мамлакатлараро мониторингини юритишдир. Олинган маълумотлар орқали ҳар бир чегарадош ҳудудларда салбий оқибат ҳолатларининг олдини олиш учун биргаликдаги ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш зарур. Ҳар бир давлат атмосфера ҳавоси ифлосланишининг олдини олиш миллий дастури асосида амалий иш режаларига эга бўлиши керак.

Ҳасан ЖАЛОЛОВ,
«Bioekosan» мажмуаси директор муовини, доцент, Халқ таълими аълочиси

ТАФАККУР СИНОВИ ЎТКАЗИЛДИ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИДА «ТАРАҚҚИЁТГА ТАҲДИД ВА РАҲБАР МАСЪУЛИЯТИ» МАВЗУИДА ТАФАККУР СИНОВИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг жорий йил 3 апрелда қабул қилган «Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора- тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган мазкур тадбирда академиянинг Давлат ва жамият қурилиши факультети тингловчиларининг «Бунёдкор» ҳамда Давлатлараро муносабатлар ва ташқи иқтисодий алоқалар факультети тингловчиларининг «Ҳамкор» жамоалари ўзаро беллашди.

Юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, Ватанимиз мустақиллигига, халқимизнинг осойишталигига қарши қаратилган ҳар қандай хавф- хатар ва ахборот хуружларидан халқимиз, айниқса, ёшларни асрашда тарғибот- ташвиқот ишларининг ноанъанавий, интерфаол усулларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Тафаккур синови тарғибот-ташвиқотнинг айнан шундай усулларидан бўлиб, унда мазкур академия тингловчилари — турли вазирлик ва муассасалар, идоралар, давлат ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари ва етакчи мутахассислар қатнашди.

Интеллектуал беллашув иштирокчилари «Ҳозирги замон: таҳдид ва жавоб уйғунлиги» фани бўйича олган билим ва кўникмалари, сиёсий тафаккури, дунёқарашини «таништирув», «савол-жавоб», «муаммоли вазиятларни ҳал этиш», «плакатлар танлови» каби шартлар бўйича синовдан ўтказди. Айни пайтда иштирокчиларнинг билим даражасини аниқлаш баробарида уларнинг фалсафий мушоҳада юритиши, фикр тарзининг мантиқий изчиллиги, топқирлиги, ҳозиржавоблиги, нотиқлик маҳорати каби жиҳатларга ҳам асосий мезон сифатида эътибор қаратилди.

Тафаккур синовида Давлат ва жамият қурилиши факультетининг «Бунёдкор» жамоаси ғолиб деб топилди. «Энг фаол иштирокчи», «Энг маъмуни жавоб» каби номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири



КУНДАЛИК ҲАЁТИМИЗНИ СУВСИЗ ТАСАВВУР ҚИЛИШ ҚИЙИН. СУВНИ ИСРОФ ҚИЛИШ, АЙНИҚСА ИЧИМЛИК СУВИНИ БЕҲУДА ОҚИЗИБ ҚЎЙИШ, ОҚАР СУВЛАРГА ИФЛОС ЧИҚИНДИЛАРНИ ТАШЛАШ ЭНГ ЗАРАРЛИ ОДАТЛАРДАН БИРИДИР.

Муҳофаза

ҲАЁТ МАНБАИ

Азалдан ота-боболаримиз сувни эъзозлаб келганлар, чунки сувсиз ҳаётнинг ўзи йўқ. Шундай экан ичимлик сувининг қадрига етиш, ундан тежаб-тергаб фойдаланиш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир.

Сувни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш бўйича мамлакатимизда кўплаб меъёрий ҳужжатлар ва қонунлар қабул қилинган. Ўз навбатида сувга нисбатан назоратни кучайтириш унинг ҳаётбахшлигини таъминлаш имкониятини бермоқда. Сув ҳавзаларини муҳофаза қилиш масалалари бўйича тиббиёт муассасалари, табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган идоралар ва яна бир қатор назорат ташкилотлари атрофлича иш юритмоқда.

Табиат — она. Биз эса унинг боласимиз. Шундай экан ўзимиз яшаб нафас олиб турган ҳудудимиз табиатининг тоза, ҳавоси мўътадиллигининг биринчи навбатда ўзимиз ҳимоячиси бўлишимиз керак. Қадимда ота-боболаримиз сувни покиза сақлашган, унга чиқинди, оқавалар ташлаш у ёкда турсин, ҳаттоки тупуришни ҳам гуноҳи азим ҳисоблашган. Ер ости ва ер усти сувларининг сифатини сақлаб халқимизга тоза ичимлик суви етказиб бериш мақсадида барча ҳудудларда сув муҳофазасига оид мониторинг кузатувлар, тадбирлар ўтказилишига қарамай, айрим жойларда бир қатор нуқсонларга ҳам дуч келинаётганлигидан кўз юмиб бўлмайди.

Юқоридаги айтилганлардан хулоса чиқариб, шундай дейиш мумкинки, бугунги кунда оқар сувларнинг ифлосланиши ўзимизнинг ўта бефарқ ва лоқайдлигимиз «меваси»дир. Ўзимиз истиқомат қилаётган ҳудудимизни озода сақлаб, ариқларда оқаётган сувлар тозалигини таъминласак табиат ато этган сувни покиза сақлашга қисман бўлсада ҳисса қўшган бўламиз.

Азиз ҳамшаҳарлар! Табиатнинг буюк неъмати бўлган сувнинг ҳамиша зилол бўлишига эришайлик. Зеро, Қуръони каримда «Менинг берган нозиneъматларимни енглар ва сувлардан ичинглар, аммо исроф қилманглар. Исроф қилувчи бандаларни яхши кўрмайман», дейилган. Мана шу сўзлар бизнинг кундалик ҳаётимиз қоидасига айланмоғи лозим.

Д.СУЛТОНОВА,
давлат нозири

ШАРТНОМА АСОСИДА

ОДАМЗОТ ДОИМО ТАБИАТ БИЛАН УЗЛУКСИЗ МУНОСАБАТДА БЎЛАДИ. ТОШКЕНТ ШАҲАР ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ НОЗИРЛАРИ ТОМОНИДАН ШАҲРИМИЗДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК ФАОЛИЯТИ НАЗОРАТ ҚИЛИБ ТУРИЛАДИ. ШУЛАРДАН ЭНГ ЭЪТИБОРЛИСИ ЧИЛОНЗОР ТУМАНИНИНГ САНОАТ ЗОНАСИДА ЖОЙЛАШГАН «ПАЙВАНДЧИҚУРИЛИШМОНТАЖ» ШЎЪБА КОРХОНАСИДИР. УНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАСИ МАГИСТРАЛ ГАЗ ҚУВУРЛАРИНИ МОНТАЖ ҚИЛИШ ҲАМДА МАВЖУД АВТОУЛОВ ВА МЕХАНИЗМЛАРНИ САҚЛАБ, УЛАРНИ ТАЪМИРЛАШДАН ИБОРАТ.

Ишлаб чиқариш базаси ҳудудида механика цехи, чилангарлик, пайвандчилик, техник таъмирлаш цехлари ва бензин сақлаш омборхонаси жойлашган.

Юқорида қайд этилган цехлардан корхонанинг иш фаолиятида атмосфера ҳавосига ҳар хил ифлослантирувчи зарарли моддалар чиқади.

Корхонада ифлослантирувчи манбалар сони 23 та бўлса, шундан 18 таси ташкилий манбадир. Корхона атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбалар рўйхатини ишлаб чиққан ва қўмитадан 371-сонли рухсатномани олган. Чиқинди чиқарувчи меъёрий ҳужжатда корхона атмосфера ҳавосига йилига 0,22 тонна ифлослантирувчи моддалар чиқариши белгиланган. 2005 йилнинг ҳисоботида 2-экологик формаси бўйича корхона атмосфера ҳавосини бир йилда 0,046 тонна ифлослантирган. Асосан атмосфера давосига чанг, темир оксиди, кремний оксиди, фторидлар, марганец оксидлари чиқарилган.

Корхона сувни шаҳар сув қувуридан олиб, бунинг учун «Сувсоз» трести давлат унитар корхонаси билан 7081-сонли шартномани тузган. Сув қувурига СТВ-40 миллиметрли сув ўлчагич ускунаси ўрнатилган. Сув асосан ичимлик, қўл ювиш ва санитар ишлари учун ишлатилади.

Оқава сувлар шаҳар оқава сув тармоғига ташланади. Корхонадан чиқадиган металл чиқиндилар шартнома асосида «Тошиккиламчиқорametалл» корхонасига топширилади. Маиший чиқиндиларни туман «Махсустранс» корхонаси 417-сонли шартнома асосида олиб кетади. Кундузги ёритиш лампаларнинг яроқсизи 91/28-сонли шартнома асосида утиллаштирилган.

Корхона ҳудудида 32 та автоулов бўлиб, шулардан 22 таси бензин ёқилғиси ва 10 таси дизель ёқилғисида ишлайди. Автоуловлар «Газчитранс» корхонаси билан шартнома асосида ювилади.

Корхона табиатга келтирган зарари учун компенсация тўловини ҳар чоракда ҳисоблаб, тўловномаларни ўз вақтида тўлаб боради.

М. УМАРОВА,
давлат нозири.
Чилонзор тумани.

«ХУШМАНЗАРА ХИТОЙ» ФОТОКЎРГАЗМАСИ

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ РЕСПУБЛИКА БАЙНАЛМИЛАЛ МАДАНИЯТ МАРКАЗИДА «ХУШМАНЗАРА ХИТОЙ» МАВЗУИДА ФОТОКЎРГАЗМА ОЧИЛДИ. У ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ, ХИТОЙ МИЛЛИЙ МАДАНИЯТ МАРКАЗИ ҲАМДА РЕСПУБЛИКА БАЙНАЛМИЛАЛ МАДАНИЯТ МАРКАЗИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари барча соҳаларда, жумладан, маданият ва санъат соҳасида изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Бунда икки мамлакат давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Хитой — Шарқ цивилизациясининг қадимий ўчоқларидан. Ҳар йили миллионлаб сайёҳни қабул қиладиган ушбу мамлакатнинг бой табиати, пурвиқор тоғларию мавжли дарёларини акс эттирувчи суратлар томошабинларни ўзига маҳлиё этиши табиий. Чэ Ганнинг «Жомолунгма», Ли Шаобанинг «Буюк Хитой девори», Ван Юйнинг «Хукоу шаршараси» каби суратлари шулар сирасига киради.

Фотокўргазмада Хитойнинг табиат манзаралари ва мамлакат тараққиётини акс эттирувчи суратларга кенг ўрин берилган. Юртимизда илк марта ташкил этилган ушбу кўргазмада хитойлик моҳир фотоусталарнинг бир юз йигирмага яқин сурати намойиш этиляпти.

Кўргазманинг очилишида Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Юй Хунцзюнь иштирок этди.

Жасур КЕНГБОЕВ,
ЎзА мухбири

Мулоҳаза

ҚОНУНЛАР — АМАЛДА

МАЪЛУМКИ, СЎНГГИ ЙИЛЛАРДА «ЭКОЛОГИЯ» СЎЗИ ЖУДА ОММАВИЙЛАШИБ КЕТДИ. ҲОЗИРГИ КУНДА КЎПИНЧА АТРОФ-МУҲИТНИНГ НОМАҚБУЛ ҲОЛАТИ ҲАҚИДА ГАПИРГАНДА БУ СЎЗ ТЕЗ-ТЕЗ ТИЛГА ОЛИНАДИ. ЭКОЛОГИЯ АТАМАСИНИ БИРИНЧИ МАРТА ФАНГА 1866 ЙИЛИ НЕМИС БИОЛОГИ ЭРНЕСТ ГЕККЛ КИРИТГАН. ЭКОЛОГИЯ СЎЗИ ЎЗ МАЗМУНИГА КЎРА «УЙ ҲАҚИДА ВА ЎЗИНИНГ ЯШАШ ЖОЙИ ҲАҚИДАГИ ФАН» ДЕГАН МАЪНОНИ АНГЛАТАДИ.

Табиат ҳолатининг ёмонлашуви ва сув манбаларининг ифлосланиши инсониятнинг олдига атроф-муҳитга оқилона муносабатда бўлиш, табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш каби вазифаларни қўяди.

Табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50,54 ва 55-моддаларида қайд этиб ўтилган. Масалан, 50-моддада фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар, 54-моддада мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга таъсир этмаслиги, зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт дейилади. 55- моддада ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий зарур ва улар давлат муҳофазасида эканлиги қайд қилинган.

Президентимиз Ислом Каримов экологик муаммо тўғрисида сўз юритиб: «Экологик хавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган», деган эди. Бу ерда экологик масъулиятнинг умуминсоний характерга эгалиги таъкидланмоқда.

Табиатни муҳофаза қилиш мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан олиб борилади. Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси бевосита Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига бўйсунади ва Олий Мажлисига ҳисобдордир. Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларига, Ўзбекистон Республикаси Қонунларига, Тошкент шаҳар ҳокимиятига, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг буйруқ ва кўрсатмаларига, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси тўғрисидаги Низомга амал қилади.

Шундай қонунлардан бири Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуни 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган. Бу қонун табиий муҳит шароитларини сақлашнинг, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб беради. Қонуннинг мақсади инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйғун мувозанатда ривожланиши, экология тизимлари, табиат комплекслари ва айрим объектлар муҳофаза қилинишини таъминлашдан, фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлашдан иборатдир. Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни 1993 йил 6 майда қабул қилинган. Бу қонун сувга доир муносабатларни тартибга солишдан, аҳоли ва халқ хўжалиги эҳтиёжлари йўлида сувдан оқилона фойдаланишдан, сувни булғаниш, ифлосланиш, камайиб кетишдан сақлашдан, сувнинг зарарли таъсирининг олдини олиш, бартараф этиш, сув объектларининг ҳолатини яхшилашдан иборатдир.

Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни 1993 йил 7 майда қабул қилинган. Бу қонун ҳозирги ва келажак авлод манфаатларини кўзлаб ноёб ҳамда экологик, иқтисодий, илмий маданий, санитария-соғломлаштириш, эстетик нуқтаи назардан миллий бойлик ва умумхалқ мулки бўлмиш қимматли табиий мажмуаларни муҳофаза этишнинг умумий, ҳуқуқий, экологик, иқтисодий ташкилий асосларини белгилаб беради.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилган қонунида айтилишича атмосфера ҳавоси табиий ресурсларининг таркибий қисми бўлиб, у умуммиллий бойлик ҳисобланади ва давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Экологик экспертиза тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган қонунига асосан мўлжалланган хўжалик ва бошқа хил фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини аниқлаш, режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа хил фаолият атроф табиий муҳит ҳолатига ва фуқаролар соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлса ёки шундай таъсир кўрсатаётган бўлса, бундай фаолиятнинг экологик хавфлилиги даражасини аниқлаш кўрсатилган. Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси юқоридаги қонунларга таянган ҳолда иш олиб боради.

Д.СУЛТОНОВА,
давлат нозири

Спорт

МОСКВАДАН ХУШХАБАР

РОССИЯ ПОЙТАХТИ МОСКВА ШАҲРИДА ДЗЮДО БЎЙИЧА УЮШТИРИЛГАН ЖАҲОН КУБОГИ МУСОБАҚАЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНЛИК СПОРТЧИЛАРГА ОМАД КЕЛТИРДИ.

100 килограммгача бўлган вазнли полвонлар ўртасидаги беллашувларда ҳамюртимиз Акобир Қурбонов, 100 килограммдан оғир вазнли полвонлар баҳсида Абдулла Тангриев мусобақанинг бронза медаллари соҳиби бўлишди.

РЕЙТИНГ НАТИЖАЛАРИ

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА СПОРТНИНГ ТЕННИС ТУРИ БЎЙИЧА УЮШТИРИЛАЁТГАН ХАЛҚАРО ТУРНИРЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНЛИК СПОРТЧИЛАРНИНГ АНЧА МУВАФФАҚИЯТЛИ ИШТИРОК ЭТАЁТГАНЛИКЛАРИНИ ХАЛҚАРО ТЕННИС ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ ЭРКАКЛАР ТЕРМА ЖАМОАЛАРИНИНГ ЯНГИ РЕЙТИНГ НАТИЖАЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛГАНЛИГИДАН ҲАМ БИЛИБ ОЛИШ МУМКИН.

Шуниси қувонарлики, бундан аввалги рейтинг жадвалида Ўзбекистон терма жамоасига 38-ўрин лойиқ кўрилган бўлса, янги жадвалда ҳамюртларимиз 33-ўринни банд этишган. Демак, ўзбекистонликлар аввалги натижа билан таққослаганда беш поғона юқорига кўтарилишган. Дарвоқе, Ўзбекистон терма жамоаси МДҲ давлатлари — Украина, Қозоғистон, Грузия, Латвия, Литва, Тожикистон, Арманистон, Молдова, Озарбойжон, Эстония, Қирғизистон, Туркманистон республикалари терма жамоаларидан анча илгарилаб кетганлиги қувонарли ҳол. МДҲ мамлакатлари орасида фақатгина Россия ва Беларусь терма жамоалари ўзбекистонликлардан юқори ўринларни эгаллаб туришибди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Ўз-ўзи ўртаниб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Ҳакимлардан бири деди:

— Қадимий ҳикматларда айтилишича, инсон ўз тузилиши хосияти билан ҳайвонлардан афзал бўлди. Унга бир оғизу икки қулоқ ҳадя этилди. Шунинг учун у бир марта сўзламоғи ва кўп марта эшитмоғи керак.

Қанча кўп билсанг ҳам оз гапир, бироқ,
Биттани юз дема, юзни битта қил!
Ибн КАМОЛПОШШО

Кўп сўзлаб киши доно бўлмайди,
Кўп эшитиб, доно барчага бош бўлади.
Юсуф Хос ҲОЖИБ

Айтур сўзни айт,
Айтмас сўздан қайт.
НАВОИЙ

Сўз ўлчаб сўзлатилса, сўзга ўхшар,
Ўқуш сўз юк эшакка теб масал бор
ҚУТБ

Бир куни Бузургмеҳрдан: «Сўзлаш яхшими ёки сукутми?» деб сўрадилар. У эса: «Сўзлаш!» — деб жавоб берди. Ундан: «Нега бўлмаса ўтмиш ҳакимлари доимо аксини айтиб келдилар?» деб сўрашди. Бузургмеҳр, «Сўзлаш афзал деганимнинг маъноси шуки, агар бу восита бўлмаганда эди, сукутдаги беқиёс хислатлар очилмай қоларди!» — деб жавоб берди.

Абулбаракот ҚОДИРИЙ

Имкони бор ҳар бир яхшилик — сўз орқалидир.

НАВОИЙ

ҲИКОЯТ. Бир киши бир ҳакимнинг зиёратига борди. У беҳуда сўзларни ҳаддан ортиқ валдирарди. Сўнг сўз орасида: «Энди сўзлашни бас қилай» деди. Ҳаким унга: «Йўқ, сен сўз сўзлаганинг йўқ!» — деди. Байт:

Беҳуда сўзларни сўз деб бўлмайди,
Сўз улки, эшитган олсин бир фойда.
Сўзласанг, сўзингни кўп узоқ қилма,
Малоллик етади узайган жойда!

Яна байт:

Ҳар ким кам сўзласа яхшидир сўзи,
Ундайин кишида инсон фазли бор.
Беҳуда сўзловчи палид забондир,
Кўп сўзда кўп маъно бўлмайди зинҳор.
Рост сўзни хоҳласанг қулоқ сол менга,
Лақмадан гунг киши афзалдир минг бор!
Мажидиддин ҲАВОФИЙ

Ўйлаб сўзлаган кишининг сўзи тўғридир, ўринсиз кўп вайсаган тил шафқатсиз ёвдир.

Оғиз ва тилнинг безаги тўғри сўздир, тўғри сўзла, тилингни беза.

Аҳмад ЮГНАКИЙ

Сен ўзингга эсонлик тиласанг,
Тилингдан яроқсиз сўзингни чиқарма.
Билиб сўзлаган сўз донолик саналади,
Нодоннинг сўзи ўз бошини ейди.
Сўзни кўп сўзлама, бир оз озроқ сўзла,
Туман минг сўз тугунин бир сўзда кўзла.
Юсуф Хос ҲОЖИБ

Эй биродар, билгинки, ўйламасдан гапиришдан кўнгилга озор етади. Жимлик ва хомушликдан эса ҳеч кимга озор етмайди.

Муҳаммад ЖАБАЛРУДИЙ

Одам эрсанг маъни бил дона-дона,
Ватан эрур сенга иккинчи она.
Сўзламасдин олдин сўзингни сина,
Ҳар бир сўздир умринг ичинда сина.
Анбар ОТИН

ҲИКМАТ. Бир ҳакимдан сўрадилар: «Ақлли киши ким?» Ҳаким деди: «Сўзни меъёри билан сўзлаган, ҳаёт қадрини англаган, бутун куч ва қудратини илм ва камолот ҳосил қилишга сарфлаган кишидир!». Байт:

Чекланиб қолмагин мансабинг билан,
Билим ва фазилат изласанг агар.
Нокаслар қўлидан шакар егандан,
Золим шоҳ қўлидан сен ичгин заҳар.
Мажидиддин ҲАВОФИЙ

Сўзда керак маъною маънида завқ,
Сўзлагувчида сўз учун дарду шавқ.
Ҳайдар ҲОРАЗМИЙ

Мағрури дунё бемарҳабодир,
Беҳуда ҳар сўз боди ҳаводур,
Ҳар номуносиб иш нораводур.
Толиб ТОЛИБИЙ

Беҳруз Боқлий шундай деган эди: «Дунёда менга икки нарса хушдир: бири дилга ёқадиган сўз, иккинчиси сўз ёқтирадиган дил. Шодон кўнгилли киши шундай кишики, унинг дили сўздан файз топа олади. Ёқимли сўз шундай сўзки, у кишининг дилига шодлик етказа олади!». Байт:

Жону таннинг қуввати ёқимли ширин сўздир,
Масиҳнинг нафасидан гувоҳлик берар элга!
Абулбаракот ҚОДИРИЙ

Одам улки жаҳонда яхши сўздин панд олур,
Қолмас ушбу одам, аммо олам ичра сўз қолур.
ПОШШОХЎЖА

Маҳмуд ҲАСАНИЙ, Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлашган

БУГУНГИ КУНДА ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШ АВЛОДНИ ЖИСМОНИЙ ЖИҲАТДАН ЕТУК, МАЪНАН БАРКАМОЛ ЭТИБ ТАРБИЯЛАШ ДАВЛАТИМИЗ ОЛДИДА ТУРГАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАРДАН БИРИ ҲИСОБЛАНАДИ. НЕГАКИ ЭРТАНГИ КЕЛАЖАГИМИЗ АЙНАН ШУ ЁШЛАР ҚЎЛИДАДИР. БУНИ ЧУҚУР ҲИС ЭТГАН СЕРГЕЛИ ПОЛИТЕХНИКА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ ҲАМ БИРИНЧИ НАВБАТДА ТАЛАБАЛАРНИ ЎЗ КАСБЛАРИНИНГ МОҲИР УСТАЛАРИ ЭТИБ ТАРБИЯЛАШГА АСОСИЙ ЭЪТИБОРНИ ҚАРАТМОҚДА.

Ёшлар — келажагимиз

ТАЛАБАЛАР УЧУН ЗАМОНАВИЙ ЖИҲОЗЛАР







Мазкур коллеж фаолияти билан танишганимизда бунга амин бўлдик. Туманнинг энг гавжум ҳудудларидан бирида жойлашган ушбу ўқув биносини кўздан кечирар эканмиз, кенг, ёруғ аудиториялар, барча қулайликларга эга бўлган қишки спорт зали, ёзги спорт майдонлари, учта ўқув устахонаси, кутубхона, ошхона ва мажлислар зали талабалар хизматида эканлиги кишини қувонтиради.

—Бу ерда талабалар тикувчилик, автотранспортдан фойдаланиш ва таъмирлаш, электрон ҳисоблаш, компьютер тармоқларини ишлатиш, хизмат кўрсатиш, дурадгорлик, молия, менежмент сингари ўнга яқин турдаги касб йўналишлари бўйича билим олишади, — дейди мазкур коллеж раҳбари Хайрулла Қорабоев. — Уларга ўнта олий, олтита биринчи тоифали ва бошқа малакали педагоглар касб сирларини ўргатишади. Яқинда ёшларга янада пухтароқ билим бериш ҳамда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида бир нечта ўқитувчиларимиз Жанубий Кореяда, Москвадаги Бауман номидаги техник университетда ҳамда республикамиздаги қатор нуфузли олий даргоҳларда малака ошириб қайтишди.

Шунингдек яқинда коллеж талабаларига таълим бериш тизимини жаҳон андозаларига яқинлаштириш учун яна бир имконият пайдо бўлди. Жанубий Корея мамлакатининг кредити доирасида мазкур коллежга 10 минг АҚШ доллари миқдорида ўқув-техника жиҳозлари ажратилди. Бу ўқувчиларга етарли билим бериш билан чекланиб қолмай, дунё андозаларидаги ўқув лабораторияларини ташкил этиш, улардан амалиётда кенг фойдаланиш имкониятини беради.

Таъкидлаш жоизки, коллеж учун ажратилган ушбу ўқув-техника жиҳозларининг тақдимот маросими шу йилнинг 10 май куни ўтказилади. Унда Тошкент шаҳридаги ўқув муассасалари, Ўрта-махсус, касб-ҳунар таълим бошқармаси, Олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази раҳбарлари, туман ҳокимлиги, «Камолот» ЁИҲ вакиллари ва маҳалла фаоллари иштирок этиши кўзда тутилган. Мазкур тақдимот маросимини ўтказишдан мақсад ўқув муассасалари раҳбарларини ушбу замонавий асбоб-ускуналар билан яқиндан таништиришдан иборат.

Усмон УСМОНОВ

СУРАТЛАРДА: Сергели политехника касб-ҳунар коллежи ҳаётидан лавҳалар.

ЁШ ИХТИРОЧИЛАР ТАНЛОВИ

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИДА ИЖОДКОР ИХТИРОЧИ БОЛАЛАР АНЪАНАВИЙ РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ БОШЛАНДИ.

Халқ таълими вазирлиги, Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Камалак» болалар ташкилоти, Тошкент Давлат техника университети, Давлат патент идораси ҳамда Республика ўқувчилар техник ижодиёти маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур танлов Халқаро интеллектуал мулк куни ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг беш йиллигига бағишланди.

Танловнинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, уларнинг янгиликка бўлган интилишини қўллаб-қувватлаш, бу борадаги саъй-ҳаракатларини рағбатлантиришга алоҳида эътибор берилаётганини таъкидладилар.

Танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан дастлабки босқичларда ғолиб чиққан етмиш нафар ўқувчи иштирок этмоқда. Унда электроника, кимё, нефть ва газ саноати, саноат ва агросаноат, транспорт ва ҳарбий техника ҳамда табиатни муҳофаза қилиш йўналишлари бўйича ғолиблар аниқланади.

— Бундай танловда илк бор иштирок этишим, — дейди Самарқанд вилояти Оқдарё тумани Ҳамид Олимжон номидаги 45-ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчиси Мунира Отабоева. — Саноат ва агросаноат йўналиши бўйича қандлавлаги ва тарвуздан шакар тайёрлаш технологияси борасидаги ихтироим билан қатнашяпман.

Жасур КЕНГБОЕВ,
ЎзА мухбири

ИЛМИЙ - АМАЛИЙ АНЖУМАН

ПОЙТАХТИМИЗДА АКУШЕРЛИК ВА ГИНЕКОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРГА БАҒИШЛАНГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН БЎЛИБ ЎТДИ. УНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ, АКУШЕРЛИК ВА ГИНЕКОЛОГИЯ ИЛМИЙ- ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ, АКУШЕР-ГИНЕКОЛОГЛАР УЮШМАСИ ҲАМКОРЛИКДА ТАШКИЛ ЭТДИ.

Акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институти директори Ж.Қурбонов анжуманни очар экан, мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида тиббиёт тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, оналик ва болаликни ҳимоялаш, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялашда муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидлади. Бу борада тиббиёт илми эришаётган ютуқлардан оқилона фойдаланиш, замонавий техника ва технологияларни кенг қўллаш йўлга қўйилгани, айниқса, эътиборга молиқдир.

— Кейинги йилларда соҳада касалликларнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволашнинг кўплаб илғор усуллари ва воситаларидан кенг фойдаланилаётир, — деди Акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институти Наманган вилояти филиали директори, тиббиёт фанлари номзоди Рустам Жалолов ЎзА мухбирига. — Жумладан, аёлларда учрайдиган камқонлик, бепуштлик, буйрак ва ошқозон-ичак хасталиклари оқибатида ҳомиладорлик даврида учрайдиган касалликларни даволаш борасида қўлланилаётган янги технологиялар бунга мисол бўла олади. Айниқса, туғруқ даврида жарроҳлик амалиётига муҳтож бўлган аёлларга ушбу йўналишда кўрсатилаётган тиббий ёрдам янада такомиллаштирилаётгани она ва бола саломатлигини асрашда муҳим аҳамият касб этаётир.

Анжуманда аёллар касалликларининг олдини олиш ва уларни даволашдаги янги усуллар, бу борада ишлаб чиқарилаётган замонавий препаратлар самараси, акушерлик ва гинекология илми ютуқларидан амалда фойдаланиш борасидаги вазифаларга бағишланган маърузалар тингланди. Тадбир доирасида янги дорилар ва дармонлар кўргазмаси ташкил этилди.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

«Ўзбекистон банклари ассоциациясининг аукцион савдоларини ташкил қилиш Агентлиги» МЧЖ 2006 йил 30 май ва 6,13, 20, 27 июнь кунлари Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг биносида соат 11.00 да АУКЦИОН савдоларини ўтказади. АУКЦИОН савдосига қуйидаги объектлар қўйилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник ва молиявий жиҳатдан таъминлаш департаменти Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан тақдим этилган:

а) Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани, «Дўстлик» ширкат хўжалигида жойлашган «Дўстлик» ширкат хўжалигига тегишли умумий майдони 190.84 кв.м.дан ташкил топган меҳмонхона ошхонаси билан ва бостирма. **Бошланғич баҳоси — 8.696.028 сўм.**

б) Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани, Янгибозор қўрғони, Ю.Ражабий 5-тор кўча, 22-уй манзилда жойлашган умумий ер майдони 0.06 га.дан ташкил топган қурилиши тугалланмаган турар жой биноси. **Бошланғич баҳоси — 395.198 сўм.**

2. Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй манзилда жойлашган «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди»га тегишли 2002 йилда ишлаб чиқарилган «NEXIA GLE» русумли, давлат белгиси 10 AN 144 бўлган автоулов.**Бошланғич баҳоси — 5.274.200 сўм.**

3. «Ўзбекистон Қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинати»нинг Ташқи бошқарувчиси томонидан тақдим этилган, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Ҳайдаров кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган «Ўзбекистон Қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинати»га тегишли «Сульфоаммиакли селитрани сақлаш ва тарқатиш мосламаси».

Бошланғич баҳоси 3.000.000 АҚШ доллари. Тўлов миллий валюта—сўмда АҚШ долларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг тўлов кунида белгиланган курси бўйича амалга оширилади.

Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдорида гаров пули тўлашлари шарт.

Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни қабул қилиш, савдодан бир соат олдин тўхтатилади.

Шунингдек, аввал савдоларга қўйилган ва ўз харидорини топмаган объектлар, ҳар ҳафтанинг сешанба куни қайтадан аукцион савдоларига қўйилиши мумкинлигини маълум қиламиз.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 138-69-70, 138-69-93

Тошкент Молия Институти қуйидаги кафедралар бўйича бўш (вакант) **«Ўзбекистон тарихи»** *доцент;* **«Фалсафа»** *доцент, катта ўқитувчи;* **«Умумиқтисодий назария ва педагогика»** *доцент, катта ўқитувчи, ассистент;* **«Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти»** *профессор, доцент, катта ўқитувчи;* **«Лойиҳаларни молиялаштириш»** *катта ўқитувчи;* **«Молия»** *катта ўқитувчи, ассистент;* **«Банк иши»** *ассистент;* **«Бухгалтерия ҳисоби»** *профессор, катта ўқитувчи;* **«Бизнес ва иқтисодиёт»** *ассистент;* **«Молиявий менежмент»** *катта ўқитувчи;* **«Солиқ ва солиққа тортиш»** *доцент;* **«Ўзбек ва рус тиллари»** *доцент, катта ўқитувчи, ассистент;* **«Чет тиллари»** *доцент, катта ўқитувчи, ассистент;* **«Иқтисодий география ва экология»** *доцент, катта ўқитувчи;* **«Информацион технологиялар»** *катта ўқитувчи лавозимларига*

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танловда фан номзодлари ва докторлари, профессорлар, доцентлар ва тажрибали ўқитувчилар иштирок этишлари мумкин. Танлов муддати—эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Танловда қатнашишни хоҳловчилар Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 7-уй, ТМИ ходимлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.

Тел. 134-66-58

Мунажжим башорати

ТАШАББУСЛАР ОМАДЛИ БЎЛАДИ

28 АПРЕЛЬ, ЖУМА
БИР ЙЎЛА БИР НЕЧА МУНАЖЖИМ – Г.МАГНОЛИЯ, СВЕТА ДЕНЬ ВА ЛИДИЯ НЕВЕДОМСКАЯЛАР БУГУНГИ ТАШАББУСЛАР ОМАДЛИ БЎЛИШИНИ ТАЪКИДЛАШГАН. ШУНИНГДЕК, БУГУН ЭНГ МАТЛУБ ҲАЁТ МАРОМИ (РИТМИ)НИ ЎРНАТИШНИНГ ЭНГ ОМАДЛИ КУНИ ҲИСОБЛАНАДИ.

Бугун эски ишларни ниҳоясига етказиш ва янгиларини бошлаш ҳамда нокерак алоқаларни узиш, қўрқувлардан халос бўлиш ҳам хайрли бўлиши кутилади. Кўпчилик тўпланадиган гавжум ва сершовқин жойларни четлаб ўтишга ҳаракат қилинг.

Бугун организм заиф ҳолатда бўлиб, куч-ғайратингиз сусаяди. Шунинг учун ортиқча фаоллик кўрсатиб, ўзингизни толиқтирмаганингиз маъқул. Бир текис ва эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилинг, кўзларингиз ва асабларингизни асранг. Кун давомида бир неча бор яхшилаб дам олиш тавсия этилади.

Кийимлардан ёрқин ранглиларига устуворлик бериш керак. Оқ ва ҳаворанг либослар бугунги кун руҳига кўпроқ мос келади. Қора, қизил ва жигарранг либосларингизни бошқа кунларга асраб қўйинг.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 606

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 3233 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6